



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 15 октябрь, № 201 (4611)

Чоршанба

## ЎЗБЕК ТОЛАСИ ДУНЁ НИГОҲИДА



Халқаро пахта бозорининг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон дунё пахта ва тўқимачилик sanoati вакиллари яна Тошкентда жамлади. Шу йил

14 октябрь куни пойтахтимизда IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иш бошлади. Мамлакатимизнинг мазкур соҳадаги таъки саъдо ҳамкорлиги ва жаҳон ҳўжалик муносабатларидаги иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қилувчи ушбу тадбир Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Cotton Outlook» халқаро агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази кўмағида ташкил этилди.



Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев очар экан, пахтачилик ва пахтага қайта ишлаш sanoati мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади. Ўртимизда Президент Ислам Каримов раҳамомлигида амалга оширилган кен қўламли иқтисодий охирилар, хусусан, қишлоқ ҳўжалиқидagi тўб ўзғаришлар натижасида пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга бўлган ёндашув тамомилга ўзгарди. Бу эса халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган тола олиш саломининг кескин ошишини таъминлади. Юқори сифати тола дунёда эътироф этилган бундай толага эҳтиж халқаро бозорларда йил сайин ортб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан илк бор 2005 йили ташкил этилган бундай нуфузли тадбирнинг айнан мамлакатимизда ўтказилишининг аҳамиятини юқори баҳолаган чет эллик ҳамкорлар унинг аънанавий тус олишига катта умид борлаган эди. Шундай бўлди ҳам. Энг муҳими, ўтган қисқа давр ичида ярмар-

ка қўлами ва нуфузи жиҳатидан янги босқинга чиқди. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон пахта бизнеси соҳасидаги муҳим воқеа макомини олди. Натижада ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига айланган кўзгамада иштирок этувчилар сонини йилдан-йилга ошиб бораётди. Дейлик, 2005 йилги ярмаркада хоржик компания ва фирмаларининг 170 нафардан зиёд вакил қатнашган бўлса, жорий йилда 34 давлатнинг 300 дан ортик компаниясидан 450 нафар вакил бевосита тадбирнинг иштирокчисига айланди. Чунки ярмарка сифатли толага талабгорлар учун катта имкониятдир. Сабаби, улар ярмарка давомида нафақат юртимиз пахтачилик sanoati билан яқиндан танишиши, балки бир пайтнинг ўзида биржа савдоларида иштирок этиб, пахта толасини етиштириб берувчилар билан тўридан-тўри шартномалар имзолаши мумкин.

IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилиш маросимида сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг бошқарувчи директори А.Гитчунс, Хитой пахта уюшмасининг вице-бош котиби В.Жахонг, «Cotton

Bangladesh» халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан (Бангладеш), «Dubai Multi Commodities Center» ижрочи директори Д.Рутлеж (Бирлашган Араб Амирликлари) ва бошқалар Ўзбекистон — юқори сифати билан ажралиб турадиган пахтачи қаролатли равишда етказиб берувчи мамлакат эканини, бу ерда бозор нархлари ўзгаришига қараб, унинг мослашувчан кўрсаткичларидан фойдаланилаётгани, буларнинг барчаси ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этдилар.

Таъкидлаш керак, кейинги йилларда юртимиз селекциячилари томонидан жаҳон пахта sanoatiда харидорлар бўлган эртапашар, ранги ва тола узунлиги дунё стандартларига тўла жавоб берадиган, зарархунанда ва касалликларга чидамли ўнлаб гўза навлари яратилди. Бугунги кунда асосий майдонларда шундай кўрсаткичи пахта етиштирилмоқда. Келгуси йили улар яна иккита янги — «Наманган-34» ва «С-6541» нави билан боийди. Бу навларнинг тола узунлиги 36-37 миллиметр, мекронейр кўрсаткичи 4,2-4,4 га тенг. Яъни, айни ярмарка иштирокчилари орзу қўлган наводир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда пахта толасини экспорт қилиши тақомиллаштириш баробарида тўқимачилик sanoati ривожлантириш ҳисобига пахтачилик республикамиздаги корхоналарда қайта ишлаш ҳажмини изчил оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада соҳага жалб қилинган хоржик иштирокчилар вакиллари, кўшма корхоналар сонини ҳам кўпайтмоқда. Буларнинг барчаси яқин келажакда республикамизда етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизгача бўлган қисмини ўзимизда қайта ишлаш имконини беради.

Ташкилотчиларнинг айтишича, тадбир географияси бу йил янада кенгайди, дунёнинг янги минтақалари қамраб олинди. Хом ашёнинг катта партиясига, айниқса, Осие давлатлари — Хитой, Корея, Бангладеш, Покистон, Индонезия, Эрон, Хиндустон компанияларидан кўпайиб келиши кутилмоқда.

Ўзбекистон пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда юқори ўрнида эканлигини яқин биламиз, — дейди Хиндустоннинг «Bajaj Steel Industries LTD» компанияси маркетинг бўлими бошлиғи Бажа Лав. — Чунки

Ўзбек толаси барча кўрсаткичлари бўйича тўқимачилик sanoatiда жуда мос. Бунга ўтган йили юртингизда ўзим гўвоҳ бўлганман. Анжуман давомида 10 минг тонна ана шундай хом ашё хариди бўйича келишувга эришилди.

«Ўзэкспомарказ» павильонларида ўзбек пахта толасининг мингдан ортик намуналари намойиш қилинмоқда. Иштирокчиларга улар билан яқиндан танишиш, ўзларига маъқул маҳсулот бўйича шу ернинг ўзида шартнома тузиш имконияти яратилган. Шунингдек, товарни етказиб бериш масалалари ҳам иш хараёнида ҳал этилди. Бу томонлар — ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун ҳам бирдек манфаатлидир. Ана шундай тенг манфаатли ҳамкорликка асосланган ярмарканинг биринчи иш куни ўта барақали кечди. Тадбир давомида яна дунёнинг қатор давлатларида келган юзлаб трейдерлар билан ўзбек пахта толасининг экспорти бўйича кўплаб шартнома ва битимларга келишилди турган гап.

Сенд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 октябрь куни Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.


### ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзин-финвест» ахборот таъминоти ва хоржик сармояларга ёрдам кўрсатиш агентлиги ҳамда Германия Федератив Республикаси Федерал иқтисодий ва технологиялар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, ёқилги-энергетика, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, кимё sanoati ҳамда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳалари учун маъсул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

### ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ҲАФТАЛИГИ

Дизайн ва мода иҳлосмандлари диққат марказида турган «Style.Uz-2008» ҳафталиги доирасида кўплай тадбирлар ўтказилмоқда.



Кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Underground» мавзусида юртимизда етишиб чиққан ёш, умидли дизайнерларнинг намойишлари бўлиб ўтди.

Унда истеъдодли қизлар ўз тўпламларига маззу, мато, шакл ва андозалар жиҳатидан эркин ёндашиб, миллий рўҳдаги либосларни намойиш этишди. Атлас, ад-рас, бекасас сингари миллий матолардан тикилган кийим-кечаклар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Аънага кўра, ёш ижодкорларнинг тўпламлари халқаро тажрибага эга малакали мутахассислар, мода sanoati ҳамда йир-рик тикувчилик ташкилотлари вакиллари томонидан иқобий баҳоланапти.

«Underground» намойиши илк марта 2006 йилда «Style.Uz» дизайн ва мода ҳафталиги доирасида ташкил этилган. Ушбу тадбир Артём Дробиниш, Марат Нематов, Элина Хайрулина каби иқтидорли ёш моделиерларни кашф этди. Бу йилги иштирокчилар орасида соҳада ўз фаолиятини энди бошлаган

ҳамда омма эътиборини тортаётган дизайнерлар Камола Мамадова, Муниса Асқарова, Светлана Ахатова, Камола Икромова, Руфия Аҳмадиева, Лиза Манкевич, Яна Бровоская, Зухра Хўжаева, Зулфия Султонбоева ва бошқалар бор.

Мамлакатимизда ёшлар модасига кенг эътибор қаратилаётгани қувонarli ҳол, — дейди кўрғазма иштирокчиси Гули Разақова. — Дизайн ва мода ҳафталиклари доирасида ўтказилаётган тадбирларда қатнашиб, ижодимизда асқотиши мумкин бўлган кўплай янгиликларни кашф этапман. Хоржик мутахассислар бизнинг миллий матолардан тикилган ноанъанавий либосларини юксак баҳолашганда бениҳоят фахрланамиз. Негаки, мен ҳам ижодимизни кенг таъминлаш мақсадида шундай нуфузли халқаро тадбирда дизайн сифатида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлиб турибман.

(Давоми 2-бетда).

### СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

Пойтахтимизда «Style.Uz-2008» дизайн ва мода ҳафталиги давом этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Тошкент либослар уйи томонидан ташкил этилган маъруза анжуманида кўплай мамлакатлардан таниқли модельер-дизайнерлар, стилистлар, машур заргарлик ва замонавий либослар уйлари эгалари, мода соҳасида фаолият юритаётган йирлик халқаро ташкилотлар вакиллари, шоу-бизнес юлдузлари, халқаро мода журналлари муҳаррирлари, жамоат арбоблари иштирок этмоқда. Уа мухбирлари уларнинг айримлари билан сўхбатда бўлди.

Акира ОДА, Токио университети профессори, соҳа мутахассиси (Япония):

— Ҳафталик тадбирлари ниҳоятда кўтаринки рўҳ ва юксак савияда ўтмоқда. Мода олами англичилари, янги гўя ва ечимлар, юксак рассомлик ва дизайнлик маҳоратини ўзида жаммасам этган ушбу анжуман барчага манзур бўлаётди. Юртингизнинг истеъдодли ёш дизайнерлари ижодий изланишлари маҳсуллари-дан катта таассурот олдим. Ўзбекистон иқтидорли ёшлар мамла-кати эканига яна бир қарра амин бўлдим.

Мазкур тадбирнинг ўтказилиши модельерларнинг либослар дизайнини соҳасида яратган англичилари билан кенг оммани таништириш ҳамда ноёб қобилият эгаларини юзга чиқариш учун қўлай имкониятдир.

Ўзбек миллий матолари ва либослари бетакоррорли билан ажралиб туради. Хусусан, атлас ва адрас либосга ўзгача чирой бахш этади. Ҳафталик баҳона Ўзбекистондек гўзал, афсонавий диёрни кўриш бахтига муюссар бўлганимдан жуда хурсандман. Пойтахтингизнинг ям-яшил боғлари, сервизли фавворалари, кенг ва озода кўчалари, энг асосийси, тинч ва осойишта ҳаёти мени мафтун этди. Юртингизга яна кўп бор келишни хоҳлардим.

Ильмира ИБРАГИМОВА, «Дом стили» дизайнерлар бирлашмаси етакчи дизайнери (Ўзбекистон):

— Мода ва дизайн соҳасидаги нуфузли халқаро анжуман ҳисобланган мазкур ҳафталикда ўз коллекциям билан иштирок

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакат бўйлаб

Кеча пойтахтимизда «Ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ва электротатнинг сиёсий маданиятини ошириш масалалари» мавзусидаги халқаро давра сўхбати ўз ишини бошлади.

### Электротатнинг сиёсий маданияти

Тадбир доирасидаги дастлабки учрашув Ўзбекистон Республикаси парламентидаги барча сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўтказилди. Унда ҳар бир фракция раҳбари унинг сиёсий партия ва фракцияси фаолияти, таркиби ҳақида атрафли гапириб берди. Ушбу маълумотларни катта қизиқиш билан тинглаган халқаро экспертлар саволлар билан муражаат этиб, унга етарлича жавоб олдилар. Куннинг иккинчи ярмида халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Сайловларга тайёрлик ва ўтказилишнинг ташкилий-оммавий жиҳатлари» мавзусидаги учрашув билан давом эттирилди. Ушбу учрашувда халқаро экспертлар Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди. Халқаро анжуман ўз ишини давом эттирди.

З. худойшукуров.

### Янги лойиҳа тақдимоти

Ўзбекистонда компьютерни билиш даражасини аниқлаш тизимини ташкил этиш бўйича «UzCDL-миллий компьютер ҳуқуқлари» лойиҳаси амалга оширила бошланди. Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмасида ушбу лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари, Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси раиси А.Хўжаевнинг айтишича, лойиҳанинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, энди ҳар бир киши ахборот технологиялари соҳасида стандарт билим даражасига эгаллиги ҳақида сертификат олиши мумкин. Лойиҳа синоддан

(Давоми 2-бетда).

### Ойга 13,5 миллион сўмлик маҳсулот

Шаҳрихонда ташкил этилган «AND CHIN INVEST» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида эркаклар, аёллар ва болалар учун енгил пойабзал буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага Хитой Халқ Республикасида келган мутахассислар ёрдамида 55 минг АҚШ доллари ҳажмидаги янги технологиялар урнатилган. Бу ерда ойига 13,5 миллион сўмлик харидорлар маҳсулотлар тайёрланапти. Фойдаланилаётган яна бир бинада қўшма корхона томонидан трикотаж матолари ишлаб чиқариш цехи ташкил этилмоқда. Бу ўн та янги иш ўрни яратилди, демакдир.

И. ЭГАМНАЗАРОВ.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги «Фўқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори асосида Кенгашининг фўқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тасдиқланган эди.

### Масъулиятли тадбирга пухта ҳозирлик

Айнан ушбу қарор билан мазкур комиссиянинг зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашалари томонидан тузилган фўқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам юклатилган. Кунни кеча Жиззахда ушбу комиссия аъзоларининг мазкур ижтимоий-сиёсий тадбир-

ни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фўқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари доирасида ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган семинари бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 293 та, шу жумладан, 9 та шаҳарча, 105 та қишлоқ ва 179 та шаҳарлардаги маҳалла фўқаролар йиғинлари фаолият

кўрсатмоқда. Айни пайтда бу нодавлат ташкилотлари қошида шу йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилаётган тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилган. Дастлаб семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фўқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил

(Давоми 2-бетда).


БИР РАҚАМ ШАРҲИ

### ЮКСАК ЎСИШ СУРЪАТИ ТАЪМИНЛАНДИ

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида мамлакатимизда машинасозлик ва металл ишлаш соҳасида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

120,3

фоиз ўсишга эришилди.



Ривожлантириш ва техник модернизация қилиш дастурларининг амалга оширилиши натижасида соҳада шундай юксак ўсиш суръати таъминланди.



Қисқа сатрларда

Навоий шаҳридаги "Шамс Навоий" фирмаси ташаббуси билан янги корхонага асос солинди.

Юзта иш ўрни

Айни пайтда бир миллион АҚШ доллари миқдорда гипсокартон ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишга тушириладиган ушбу корхонада йилга тўрт миллион квадрат метр гипсокартон ишлаб чиқарилади ҳамда юзта янги иш ўрни яратилади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий шифо маскани

Фаргона шаҳридаги ипакчилик комбинати ҳудудига "Давр медицина маркази" хусусий клиникаси иш бошлади.

Шифо масканида замонавий ташхис қўйиш воситалари, УЗИ аппарати ишлаб турибди. Шунингдек, клиниканинг кундузги даволаниш бўлимида 20 нафар бемор шифо топиши учун зарур шарт-шароит яратилган.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гулистон гиламлари

Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган "Меташкарпед" хусусий корхонасида сунъий ипдан турли-туман рангдаги гиламлар тўқилаяпти.

15 нафар йигит-қиз мўким иш билан таъминланган корхонада жорий йилнинг 9 ойи мобайнида салкам 40 минг квадрат метр гилам тайёрланиб, харидорларга etkazиб берилди.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Мамлакатимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган тўб иқтисодий ислохотлар бугун ўз натижаларини бермоқда. Бу жараён дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоламоқда, эндиликда йirik халқаро молиявий ташкилотлар Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётди.

Мамлакатимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган тўб иқтисодий ислохотлар бугун ўз натижаларини бермоқда. Бу жараён дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоламоқда, эндиликда йirik халқаро молиявий ташкилотлар Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётди. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг жадал ривожланиш босқичига кўтарилгани, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилишда хусусий сектор улушининг сезиларли даражада ошириб бораётгани, чет эллик сармоядорларга яратилган имкониятлар уларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқишини оширмоқда. Айни пайтда, республикамизда банклар дунё молия банк тизими тамойилларига ҳамоҳаз равишда ривожланиб бораётгани ҳам қувонарли ҳолатдир. Буни биргина республика ДТ Халқ банки мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида республика Халқ банки томонидан кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Ютуқлар билан бир қаторда ҳали ишга солинмаган имкониятлар, вазифалар чуқур таҳлилдан ўтказилди. Ҳар бир банк ходими ва банк филиаллари бошқарувчиларининг ўз ишига сикдидилдан ёндошгани эришилган натижаларда яққол намоён бўлмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Президентимизнинг шу йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Халқ банки учун янада катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ушбу қарор талабларига кўра, амалга оширилган тадбирлар натижасида банкнинг жами капиталга йил бошига нисбатан 3,2 бараварга ортиб, 92,7 миллиард сўмга етди. Шунингдек, банкнинг жами активлари 506,6 миллиард сўмга etkazилиб, шунинг 82,9 фоизи ёки 419,8 миллиард сўми даромад келтирмоқда.

Фойда кўриш кафолати

Бугун даврнинг ўзи барчадан бозор муносабатларига мос ҳолда оқилона иш юритишни талаб этмоқда. Айниқса, молия муассасаларида одамларга намунали хизматлар кўрсатиш баробарида банкка янги тадбиркор ва мижозларни жалб этиш фойда билан ишлашнинг кафолатидир. Мижозга ҳам, банкка ҳам фойда келтирадиган соҳаларга энг мақбул шартлар асосида кредитлар ажратиш эса нафақат даромад, балки банк нуфузининг ошишига ҳам хизмат қилади. Шу боис йил бошидан буён Халқ банки ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва истеъмол бозорини кредитлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мижозларга қисқа фурсатда 223,7 миллиард сўмдан ортиқ турли соҳаларни қамраб олган кредитлар берилди. Инвестициявий йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга оз эмас, кўп эмас, 63,0 миллиард сўм ажратилди. Кредитларни расмийлаштириш жараёнида мижозларга бизнес режа тузиш, банк хизмати қулайликлари билан самарали фойдаланиш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва қўнилий амалга ошириш борасида ҳам тақлиф ва маслаҳатлар бериб борилмоқда. Чунки мижоз банкнинг энг яқин ишончли ҳамкори, уларнинг му-

вафакати— жамоянинг ютуғи. Улар нечоғлик даромад топса, банк ҳам шунчалик бақувват бўлади. Илгари асосан аҳоли омонатлари билан шуғулланган ва имкониятлари бироз чекланган қолган Халқ банки бугун республикамизнинг энг нуфузли банкларига қаторидан жой эгаллаган. Йил бошидан буён банкнинг кредитлар портфели ҳажми 143,2 миллиард сўмга ёки 218,6 фоизга ортиб, жами 263,9 миллиард сўмни ташкил этди. Бу рақамлар ортида банкнинг турли бўлимлари ва шохобчаларида меҳнат қилаётган оддий мутахассислардан тортиб, тажрибали банк ходимларига-ча — барча-барчанинг машаққатли меҳнати ётибди.

Тадбиркорлар, банкнинг энг фаол мижозига айланган ишбилармон кишилар банкдан олган кредитлари эвазига ўз ишларини намунали йўлга қўйишмоқда. Улар қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, қўшимча иш ўринларини яратиш орқали кечагина иш қўйиб юрган кишиларга янги имконият эшикларини очилмоқда. Зеро, йил бошидан буён банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 43,9 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратди ва бунинг натижасида 7950 та янги иш ўрни яратилди. Демак, банк бераётган бир сўм икки, уч сўмга айланмоқда. Тадбиркор аёллар ва хонадон чорвасини ривожлантиришга бел боғлаган аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тадбиркор аёлларга 1,9 миллиард сўм, аёллар меҳнатидан фой-

Молия муассасаларида

ни янада фаровонлашишига қўмаклашяпти.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоғи ва даромад манбаидир. Шунинг учун ҳам аҳолининг катта қисми қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан банд. Уларнинг ҳаёти ўз меҳнатлари орқали пайдо бўладиган маҳсулотлар — салмоғи, сифати ва савдоси билан чамбарчас боғлиқ. Кейинги йилларда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислохотлар натижасида мутлақо янги фермерлар синфи вуजूда келди. Уларнинг салмоқли қисми ўз фаолиятларини Халқ банки билан ҳамкорликда амалга оширмоқдалар. Фермер ҳўжаликларига пахта ва ғалла етиштириш учун им-

дланадиган ҳўжалик субъектларига 2 миллиард сўм, хонадон чорвасини ривожлантиришни қўзғалган кам таъминотли аёлларга 2,1 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ойлага эътибор — келажакка пойдевор

Янгиликка интилиш, тажрибали ходимлар меҳнатидан ўнумли фойдаланиш, янги хизмат турларини ташкил этиш, энг муҳими, мижозни банк оstonасида ҳуда-беҳудага иш-хожа бўлган доимий ҳўрмат-эътибор Халқ банкнинг аҳоли ўртасида эъзоз топишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, банкнинг ҳар бир бўлими, шохобчасида мижозлар учун маслаҳатхона ишлаб турибди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, аҳолининг банкка бўлган ишончи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг омонатларига қўйилаётган маблағларнинг сезиларли даражада ошаётганидан ҳам билса бўлади. Банк ресурс базаси йил бошидан буён 162,0 миллиард сўмга ортиб, жами 431,8 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, жисмоний шахсларнинг маблағлари йил бошига нисбатан 82,7 миллиард сўмга ортиб, 250,9 миллиард сўмга etkazилди. Қўшимча равишда 13 та янги омонат тури очилди ва уларга 91 миллиард сўм жалб этилди. Бу, албатта, банкнинг кредит имкониятларини оширди.

Мижозларга янги имкониятлар

Маълумки, банк хизматларининг тақомиллашуви, шунингдек, ми-



қадар 146 мингдан ортиқ пластик карточкалар эмиссия қилинди. Ташкил этилган 1415 та терминал орқали эса 26,2 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди. Пластик карточкалардан фойдаланишнинг ўнғайлигини тарғибот этиш мақсадида банклардан ассоциациясидан 2000 донга «ЎЗКАРТ» логотипи олинди ва терминаллар ўрнатилган барча савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига etkazилди. Шунингдек, пластик карточкалари билан хизмат кўрсатиш самардорлигини янада ошириш мақсадида аҳоли ўртасида кенг тушултириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бугун республика бўйича Халқ банки билан ҳамкорликда ишлаётган 524 та ташкилотнинг 71 мингга яқин ишчи ходимлари ўз иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олишмоқда.

Бугунги бозор муносабатлари давридаги рақобат қайси соҳада бўлмасин, мутахассислардан изчил иланиши, янгиликка интилиш, энг сўнгги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда, ўз малакасини доимий равишда ошириб боришни талаб этмоқда. Бу тамойиллар Халқ банки тизимида ҳам кенг жорий этилган. Банкнинг ҳудудий филиаллари ва бўлимларида малакали, изланувчан ёшларни кўпроқ жалб этиш, иш юритиш тезкорлиги ва самардорлигини янада ошириш банк раҳбариятининг диққат марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилнинг ўзида республика Президентини хўзуридаги Давлат ва жамят қурилиш академиясида 1 нафар, Олий таълим мақтабида 2 нафар, Минтақавий Банк ўқув марказида 10 нафар, Марказий банк ўқув марказида 14 нафар ва бошқа ўқув даргоҳларида тахсил олганларни назарда тутганда, жами 658 нафар ходим ўз малакасини оширди. Бу, албатта, умумий иш жараёнига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди.

Муктасар қилиб айтганда, республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш жараёнида, ҳақиқий рақобат муҳитида биринчилар сафига бўлиш бугун Халқ банки жамоаси тутган энг асосий вазифалардан саналади. Хен шубҳа йўқки, Халқ банки жамоаси аҳолининг банкка бўлган ишончини янада оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини бундан буён ҳам изчил давом эттираверди.

Халқ банки матбуот хизмати.

Янгиликка интилиш — Ютуқлар гарови



тизлий кредитлар ажратиш билан бир қаторда, бошқа маҳсулотларни етиштириш учун ҳам молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, бу молиявий ёрдамнинг 218,2 миллион сўми қўчат, 622,7 миллион сўми мевасабзавот уруғлари, 777,2 миллион сўми уруғлик қарточка ва 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ қорамоллар сотиб олишга йўналтирилган. Биргина фермерларнинг турли қишлоқ ҳўжалик техникаларига бўлган талабларини қондириш учун 21,7 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, банк тадбиркор аёллар ва хонадон чорвасини ривожлантиришга бел боғлаган аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тадбиркор аёлларга 1,9 миллиард сўм, аёллар меҳнатидан фой-

Банкнинг Интернетдаги махсус сайти ва электрон почтаси унинг янада тез ва самарали ишлашига имкон бермоқда. Мамлакатнинг келажиги саналган ёшлари, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам банк жамоаси алоҳида эътибор билан қарамоқда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қарори ижросини таъминлаш мақсадида 4201 та оилага 15,5 миллиард сўм, шундан 470 та оилага 7,6 миллиард сўмлик ипотека, 1938 та оилага 5,5 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ва 1793 та оилага 2,4 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди.

жозларга янги хизмат турларининг тақлиф этилиши нақд пуlining банк орқали айланishi ва ўз навабатида, мамлакат иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилади. Ҳар бир банк шохобчаси ва бўлимидаги иш сифати ва иш юритишнинг юқори даражада ташкил этилиши нақд пуlining банкка кўпроқ жалб этилишига олиб келиши ҳен қимга сир эмас. Бу борада ҳам сезиларли ютуқлар бор. Айтайлик, йил бошидан буён банк газнасига 1 триллион 90 миллиард 300 миллион сўм кирим қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 343,4 миллиард сўм кўп демакдир. Қишлоқлар маҳалаларда банкнинг кўчма кассалари, шохобчалари ташкил этилгани коммунал тўловларини, демакки, нақд пулни ўз вақтида тезкорлик билан ййгиб олишга хизмат қилмоқда. Қисқа фурсатда 87,5 миллиард сўм турли тўловлар, жумладан, кўчма кассалар орқали 14,2 миллиард сўм коммунал тўловлар қабул қилинди. Бу, ўз навабатида, кам таъминланган оилаларга ажратиладиган нафақа, пенсия ва бюджет ташкилотлари иш хақи тўловларини ўз вақтида амалга оширишга имкон яратмоқда.

Маълумки, миллий валюта қадрини ошириш нақд пуlining ҳисоб-китоб тизимини янада тақомиллаштиришга бевосита боғлиқ. Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, Банклар ассоциацияси ва Марказий банкнинг қўшма дастурига мувофиқ эмиссия қилинган пластик карточкалар сонини жорий йил охирига қадар 155 мингга, терминалларини 1924 тага etkazиб режалаштирилган. Жорий йилнинг октябрга

Advertisement for EVO mobile services. Includes text: 'Korea Telecom bilan hamkorlikda EVO bilan butun olamingni ўzgartir', 'Хонадонингиз учун Интернет', 'Октябрь ойининг охиригача бизнинг офисимизга келинг ва БЕПУЛ УЛАНИНГ!', 'EVO тармоғи компаниямиз мутахассислари томонидан Ўзбекистонда илк бор қурилган тармоқдир. WIMAXнинг инклибвий технологиялари асосида бизнесингиз учун ишончли ва қулай тақлифлар бераётганимиздан хурсандимиз.', 'EVO - Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида илк бор қайда этилган WIMAX 802.16d стандарти тармоғидир. 2008 йилда Тошкент шаҳрида WIMAX (802.16e) мобил тармоғи ишга туширилди.', 'EVO тармоғининг афзалликлари: • Тезкорлик - хизматлар 3 кун ичида тақдим этилиши мумкин. Мижоз офисида усқуналарни ўрнатиш 2 соатдан кўп вақтни олмайд. • Оддийлик - усқуналар жуда ихчам, уларни офисдаги топқа ёки иш столида жойлаштириш мумкин. Сим тортиш ёки деворларни тешишга ҳожат йўқ. • Ишончли алоқа - WIMAXнинг аниқ ва янги технологияси билан фарқи шундаки, ландшафтнинг ўзига ҳосилги, дарактлар, қўшни бинолар тўсганда, об-ҳаво шароитига қарамай, офисингиз биринчи қаватда жойлашган бўлса ҳам база станцияси билан тўғри қўринишда бўлмаса ҳам ишлайди. • Хизматларнинг комплекслиги - усқуналарнинг бир тўплами телефония, Интернетга уланish хизматларини тақдим этиш ва корпоратив тармоқларни ташкил этишга имкон яратади. • Мобиллик - компаниянинг янги жойга кўчиб ўтишида (EVO тармоғи билан қамраб олинган ҳудудда) барча солаш ишлари ва қўшимча хизматлар сақланиб қолади - алоқа аввалгилек ишлайди.', 'Бизнинг EVO тармоғимизга уланган ҳар бир мижозимиз 1ГБ ҳажмга эга бўлган электрон почтаси БЕПУЛ таъминланади!', 'Сиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёرمىз. Хизматлар лицензияланган.', 'www.evo.uz', 'Тел.: (8 371) 150-21-12'.

Advertisement for TTMZ cranes. Includes text: 'Завод TTMZ изготавливает и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А', 'предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительстве многоэтажных зданий', 'Теперь и в ЛИЗИНГ', 'АВТОКРАНЫ: для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах', 'КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ', 'КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ', 'КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ', 'ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА', 'Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz'.

Advertisement for Hyundai Sonata. Includes text: 'SONATA Ўз йўлингизни танла!', 'КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.', 'HYUNDAI Official Partner', 'Tel. 250-11-11', '“Автомобиль” бирлашмаси меҳнат жамоаси “Ўзавтойўл” компанияси бошқаруви собиқ раиси Рустам Раёуллович ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.', 'Тошкент Фармацевтика институтининг жамоаси институт собиқ ректори академик Саъдулла Искандаровга турмуш ўртоғи РИХСИХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.', "“Ўзавтойўл” компанияси меҳнат жамоаси “Ўзавтойўл” компанияси бошқаруви собиқ раиси Рустам Раёуллович ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади."

Спорт

ПОЛВОНЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

Эркин ва юнрон-рум кураши бўйича бўлиб ўтадиган халқаро турнирларда ўзбекистонлик полвонлар доимо совриндорлар сафидан жой олишади.

10-12 октябрь кунлари Россиянинг Омск шаҳрида юнрон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Александр Карелин соврини учун ташкил этилган XVII халқаро турнирда ҳам вакилларимиз ушбу анъаналарига содиқ қолди.

Денис Истомин кейинги босқичда

Республика Олимпия захиралари теннис мактабида эрактлар ўртасида "Тошкент Челленджер - 2008" халқаро турнирининг асосий баҳслари бошланди.

Мусобақада ҳамюртимиз Денис Истомин муваффақиятли иштирок этмоқда. Кеча у қозғистонлик Александр Кедрюкка қарши қортта чиқиб, 7/5, 6/3 ҳисобида галаба қозонди ва навбатдаги босқичга йўл олди.

Зайдулла ЖОНИБЕКОВ.



Куркам бог-мажмуларда бунёд этилган ёдгорликлар бетақор мейморий услубда қад ростлаганлиги тўғрисида ўзгача таассурот қолдиради.

Илгари Хоразм, асосан, мевзор боғлари билан машҳур бўлган. Кейинги даврда бу ўзига хос анъана боғларнинг кўпайтирилиши ва мажмуаларга айлантирилиши билан янада кенг тус олди.

Айни куз палласи Урганч ўзгача файзу тароват касб этган. Буни шаҳарга анча фурсат таширғи буюрмаган киши дарҳол пайқайди.

БОҒУ ХИЁБОНЛАР — ВОҲА КЎРКИ

гоҳларига айланди. Зеро, вилоят миқёсидаги турли тантанали тадбир ва маросимлар ҳам айнан шу масканларда ўтказилаётгани бежиз эмас.

Айни кунларда Наҳмиддин Кубро, Замахшарий, Комилжон Отаниёзов номлидаги боғлар аста-секин бог-мажмуа қиёфасини олмақда.



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

бинолари янгича кўрку қиёфа касб этиб, энг замонавий маъмурий-маърифий масканлар тусини олди.

Ободлик

янги танлаб барпо бўлиши билан бинонинг тевақар атрофидаги катта ҳудудларда ҳам ҳаётини янгилаштириш юз берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар қорхона, ташкилот ҳамда муассасалар, шунингдек, маҳаллалар бог-роғ яратиш ишларида фаоллик кўрсатиб, вилоят марказининг кўркини оширишга ҳисса қўшаётганларида ободончилик тадбирлари ҳозирга қадар кўлам касб этмаган бўларди.

Бинобарин, ўтган йили куз ойи охири ва кичик фаслида шаҳардаги ақсарият маҳаллалар фаоллари, қорхона, ташкилот ва муассаса ҳудудлари шохвор ҳудудда дараклар ва гулларни кўпайтиришга астойдил бел боғлашди.

АДАБИЁТИМИЗ ЗАҲМАТКАШИ

Ватан ва эл учун қилинган эзгу хизматлар ҳеч қачон исзис кетмайди. Улар доимо миннатдорлик билан эсланади.

Мирзакалон Исмоилий ўзидан халқимизга ва кейинги авлодларга мерос қилиб, ажойиб романлар, қиссалар, жаҳон адабиёти дурдоналаридан нодир таржималарини қолдириди.

Соғинч

Адиб XX асрда яшайди. Ватанимиз, халқимиз бошига мустақиллик тузуми мана шу асрда келтирилган балолар уни ҳам аяб ўттирмади.

Миллий зиёлиларга бешафқат, уларнинг орасида етишиб чиққан салохиятли инсонларни кўра олмайдиган мустақиллик сиёсати ва мафкуриси ёш қаламкаш зиёли Мирзакалон Исмоилийни ҳам қуракда турмайдиган сиёсий айбловлар билан ўттизинчи йилларда қамоққа олди.

Урушдан қайтган, унинг бошида яна таҳлиқнинг қора булутлари айлана бошлади. Оқир-оқибатда, иккинчи марта қамоққа олинди.

М. САФАРОВ.

кейин, 1958 йилда нашр этилди. Халқимизнинг XX аср дастлабки йилларидан бошланиб, кейинги ўн йилликларда давом этган машаққатли тарихий ҳаёти ушбу асарнинг икки китоби саҳифаларида, бетакрор миллий қаҳрамонлар тақдирини тимсолида анча маҳорат билан кўрсатилди.

ўтган аср ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари қаторидан ўрин олди ва бир неча марта нашр этилди.

Ўткир маънавий-ахлоқий муаммоларга бағишланган Мирзакалон Исмоилийнинг "Бизнинг роман", "Ўзиндан кўр" номи қиссалари, "Одамийлик қиссаси", "Инсон ҳусни", "Қизлар дафтари" номи маърифий рисоалари ўз даврида кенг жамоатчилик ўртасида машҳурлик топти.

Халқимиз бадий таржимонлик соҳасининг тенгсиз заҳматкаши Мирзакалон Исмоилийнинг бу йўналишдаги улкан меҳнати самараларини ҳам ҳеч қачон унутмайди.

Мирзакалон Исмоилий адабиётимизнинг заҳматкаши эди. Унинг гўзал бадий ифодалари бой, чуқур миллий руҳли тили, таржималарда халқимиз тилининг бойлиқларини катта куч билан намойиш эта олганлигини унутиб бўлмайди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлигининг қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Қамолот" болалар ташкилоти 2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилинган мусобақа билан оммавий ахборот воситалари, энг аввало, ёшлар ва болалар қаратилган дэрий нашрлар, интернет-порталлар ва сайтлари республикамизда ўсиб келаятган ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида амалга ошириладиган савб-харақатлар, уларнинг ҳаёти, ўқиш, илганишлари, ютуқ, муваффақиятлари, муаммолари ҳақидаги текавор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий материаллар билан бойитиш, ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида амалга ошириладиган ёшларга иктисослашган барча газета ва журналлар, интернет-порталлар ва веб-сайтлар ижодкорларини, 30 ёшгача бўлган барча журналистлар ва ижод билан шуғулланаётган ташаббусчиларни "ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ!" деб номланган танловда иштирок этишга таклиф қилади.

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига иктисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар, веб-сайтлар, 30 ёшгача бўлган ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борадиган ёки улар билан ҳамкорлик қиладиган ижодкорлар, олий ўқув қуртларининг журналистика факультетлари талабалари иштирок этишлари мумкин.

Танловга топширилган материаллар 5 тадан кам бўлмашлиги шарт. Танловга юборилган ижодий ишлар такриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Голлибарни аниқлашда тахририятлар фаолиятининг ёшлар ва болалар ўртасида оммавийлиги, маърузининг ёшлар ҳаётида тулган ўрни, долзарблиги, "Ёшлар йили" Давлат дастури мақсад-вазифаларига мувофиқлиги, профессионал маҳорат, тил ва услубий оригиналлик асосий мезон ҳисобланади.

Танловга 2008 йил 1 январдан 2008 йил 20 декабргача чоп этилган материаллар қабул қилинади.

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига иктисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-сайтлар тахририятлари учун.

2. Ёш журналистларнинг босма ОАВ ва интернет тармоғида чоп этилган ёшларнинг жамиятда фаолиятини ошириш, ўсиб келаятган ёш авлодини ҳар томонлама баркамол вояга етишига қаратилган материаллари учун. Танловга 2008 йил 1 январдан 2008 йил 20 декабргача чоп этилган материаллар қабул қилинади.

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига иктисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-сайтлар тахририятлари учун.

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига иктисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-сайтлар тахририятлари учун.

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига иктисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-сайтлар тахририятлари учун.

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига иктисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-сайтлар тахририятлари учун.

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига иктисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-сайтлар тахририятлари учун.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 3 июндаги 1853-сонли ва 2008 йил 26 июндаги 1950-сонли ижро варақаларига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар қорхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳар, Ашҳобод кўчаси, 200-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони — 704,93 кв.м. метрни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 87 194 746 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 30 октябрь кунини соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобоҷонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтайтилади.

Савдода катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган холда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тулашлари шарт: АТИБ «Ипотек» банки «Тинчлик» филиали, 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850.

Лицензия: ДВ 001 №000004

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8 362) 226-32-63, факс: 226-43-64.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустоҳжам!

ООО "Росагропромснаб" предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые "Гобой-1"

Цена - от 1 300 000 сум.

Table with 4 columns: Ду, мм; Типоразмер; Мин. расход, Qмин, м³/час; Максим. расход, Qмакс, м³/час

На все устанавливаемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки.

Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, №-л Ц, д. 6

Товар сертифицирован

Товар сертифицирован

Товар сертифицирован

Илмий-амалий анжуман

Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида матншуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда соҳада фаолият кўрсатаятган олимлар ва ёш тадқиқотчилар қатнашди.

Этьроф этиш кераки, мамлакатимиз ва хориждаги муайян, қулубхоналарда ҳамда қўлёзма фондларда сакланган ноб тарихий қўлёзма асарларни жамлаш ва уларни бағиш этиш борасида истиқлол йилларида кенг қўллаш ишлар амалга оширилди.

Конференцияда тадқиқотчи олимлар маъруза йўналишида қилиниши зарур бўлган вазифалар, манбаъшунослик ва матншуносликнинг назарий ва амалий масалаларини ҳусусида ўзаро фикр алмашди.

Шоҳло ЗАЙНИЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);
• муҳокаманинг камчиқимлилиги (низонинг ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлиги);
• судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
• мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);
• Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
• Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳакамлик суди

Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Копибит 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Ҳайрат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи мухаррир — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Болшев. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6 7